

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar
fanlarning dolzarb
muammolari**

Jild 3, Son S/8
2023

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 5/8 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в.б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамрокулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич - юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодири Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пулатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали
1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Телеграм канал:

https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

Намазова Умида Нормуродовна

ФРАГМЕНТЫ ИЗ ИСТОРИИ САМАРКАНДСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА
ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ, ЖИВОТНОВОДСТВА И БИОТЕХНОЛОГИЙ (1929-1945
ГОДЫ)..... 10-15

Эрназаров Туйгун Раджабович

ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ТАМОЖЕННОЙ СЛУЖБЫ ТУРКЕСТАНСКОГО ГЕНЕРАЛ-
ГУБЕРНАТОРСТВА: КЛЮЧЕВЫЕ МОМЕНТЫ И ДОСТИЖЕНИЯ 16-21

Хужаниязов Уктам Ешбаевич

“ҚОРАҚАЛПОҚФИЛЬМ” СТУДИЯСИ ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАРИДА ТАРИХИЙ МАВЗУЛАР
ТАЛҚИНИ 22-27

Шаимкулов Азамат Холмурастович

ҚАЙТА ҚУРИШ ДАВРИ МАТБУОТИДА ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАР ТАЛҚИНИ 28-38

Муродов Ҳалим Салимович

ТУРИЗМ РИВОЖИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР 39-46

Юлдашев Саиданварбек Бахромжон ўғли

ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИНГ– ҚОРАХОНИЙЛАР ТОМОНИДАН
ЗАБТ ЭТИЛИШИ ТАРИХИДАН 47-51

Shonazarova Nargiza

TOSHKENT SHAHRIDA “OBOD MAHALLA” DASTURI VA UNING IJROSI XUSUSIDA AYRIM
MULOHAZALAR 52-57

Axmadova Nafisa Axmad qizi

O‘ZBEKISTON VA FRANSIYA MADANIY ALOQALARINING RIVOJLANISHI 58-64

Qodirova Ra’no Mamirjonovna

O‘ZBEKISTON SSR MAKTABLARIDA 1930-YILLARNING IKKINCHI YARIMIDA TARIX
FANINING O‘QITILISHI 65-70

Yunusxo’jayev Habibulla Zafar g’o’li

SHARQDA KUCHLI IJTIMOIIY HIMOYA TIZIMI TARIXI 71-75

Нарбеков Абдикамил

НАЦИОНАЛЬНАЯ ПОЛИТИКА СОВЕТСКОГО ГОСУДАРСТВА В ТУРКЕСТАНЕ И ЕГО
СУЩНОСТЬ 76-80

Alimova G‘unchaxon Baxadirovna

JAMIYAT TARAQQIYOTINING TARIXIY RIVOJLANISH ASOSLARI DIN
VA DAVLAT MISOLIDA 81-85

Jumanazarova Fotima

XOTIN QIZLAR BANDLIGINI TA'MINLASH TIZIMINING SHAKLLANISH JARAYONI VA
RIVOJLANISH BOSQICHLARI 68-93

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Ziyodilloev Khushnud Rahimboevich

PORTFOLIO OPTIMIZATION OF COMMERCIAL BANK CREDITS:
A LITERATURE REVIEW 94-100

<i>Hamrayev Amirzoda</i> ISLOMIY MOLIYA XIZMATLARINI KO'RSATUVCHI TASHKIOTLAR KAPITAL STRUKTURASI SAMARADORLIGI TAHLILI.....	101-109
<i>Xaytboeva Nigora Bakmatatovna</i> TЎQIMACHILIK SANOAT KORXONALARIDA MARKETING STRATEGIYASIDAN FOYDALANIШ BЎYIЧA ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАЛАРИ	110-119
<i>Xalilov Qahramon Qurbonboyevich</i> MINTAQADA TURIZM HUNARMANDCHILIK KLASSTERINI SHAKLLANTIRISHNING DESTINATSION MODELI.....	120-132
<i>Махмудов Турсунпулат Давронович</i> ИНВЕСТИЦИЯ МАНБАЛАРИНИНГ МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИГА ТАЪСИРИ	133-144
<i>Ishchanova Salomat</i> KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISHDA MARKETING FAOLIYATINING O'RNI	145-150
<i>Мўйдинова Зилола Воҳид қизи</i> ЧЕГАРА БОЖХОНА ПОСТЛАРИ ФАОЛИЯТИДА “АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ЙЎЛОВЧИ ХАРАКАТИ” МОБИЛ ИЛОВАСИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ОРҚАЛИ ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	151-158
<i>Samandarov O'gabek, Ismoilov Shohjahon</i> TURIZMNI RIVOJLANTIRISH OMILLARI VA ULARNING O'ZIGA XOS JIHATLARI	159-164
09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ	
<i>Саидова Камола Усканбаевна</i> ФЕНОМЕН СВОБОДЫ ДЛЯ ЧЕЛОВЕКА И ОБЩЕСТВА: КОМПАРАТИВИСТСКИЙ АНАЛИЗ	165-173
<i>Omonturdiyev Orzu G'afforovich</i> INSONNING MA'NAVIY MONIYATINI SHAKLLANTIRISHDA QADRIYATLARNING AHAMIYATI	174-179
<i>Очилова Гузаль Араловна</i> ЮКСАК МАЪНАВИЯТ-МАНФААТЛАР БИРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ.....	180-185
<i>Nurmatova Umida Jaloliddinova</i> MUTOLAA, SAVODXONLIK VA TA'LIMNING ANTINOMIK XUSUSIYATLARI.....	186-192
<i>Vafayeva Dilafruz Artikovna</i> AHMAD YASSAVIY TASAVVUFIIY TA'LIMOTIDA MA'NAVIY BARKAMOLLIK.....	193-198
<i>Karimov Zafarbek Ataboyevich</i> IJTIMOIY-PSIXOLOGIK MEKANIZMLARINING SOG'LOM TURMUSH TARZINI SHAKLLANTIRISHDAGI AHAMIYATI.....	199-202
<i>Bozorova Ro'zigul Sharofovna</i> MEHRSIZLIK HODISASINI KELITIRIB CHIQUVCHI OMILLAR	203-212
<i>Xudoyberdieva Anorabonu Hayotovna</i> DINIY MANBALARDA IJTIMOIIY HAMKORLIK O'OYALARI	213-218
<i>Tursunkulova Shaxnoza Tuychiyevna</i> TASAVVUF FALSAFASIDA GO'ZALLIKNING IMMANENT JIHATLARI	219-224

Dehqonov Behzod Baxtiyorovich

YANGI O'ZBEKISTONDA UCHINCHI RENESSANS POYDEVORINI QURISHDA YETTI PIRNING
BAG'RIKENGLIK G'OYALARINI O'RNI VA AHAMIYATI225-230

Abdullayeva Firuza Sharipovna

NASIRIDDIN TUSIYNING IDROK NAZARIYASI VA KOMILLIK FALSAFASI231-236

Murtozayev Shahobiddin Baxriddinovich

SHIHOBUDDIN UMAR SUXRAVARDIYNING "AVORIF UL -MAORIF" ASARI VA UNDA ILGARI
SURILGAN G'OYALAR237-243

Ибрагимов Солижон Эргашович

АХБОРОТ ХУРУЖИ ВА "ОММАВИЙ МАДАНИЯТ" ТАҲДИДИ.....244-251

10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Qodirova Mukaddas Tog'ayena

BIZNES DISKURSINING MURAKKAB LINGVISTIK TABIATI252-257

Abdullayev Ikramjon Xashimdjanovich

DIFFERENT APPROACHES TO THE QUANTITATIVE-STATISTICAL CHARACTERISTICS OF
PARTS OF SPEECH IN THE ENGLISH LANGUAGE258-265

Hamroyeva Sharifa Shukur qizi

TARJIMADA MILLIY SO'ZLARNING BERILISHI (OYBEKNING "NAVOIY" ROMANI INGLIZCHA
TARJIMASI MISOLIDA)266-271

Olimova Gulfiza Muradullayevna

BADIIY SAN'AT TURLARINING XORAZM DOSTONLARIDA QO'LLANILISHI272-281

Айниддинов Иқрориддин Шарифович

АДАБИЙ МАНБАЛАРДА АШРАФ САМАРҚАНДИЙНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИНИНГ
ЎРГАНИЛИШИ282-287

Turaeva Dilfuza Daminovna

O'ZBEK TILIDA OBRAZLI SO'ZLARNING SEMANTIK XUSUSIYATLARI288-295

Mahmudova Nilufarxon Ravshanovna

LISONIY GRADASIYANING MORFOLOGIK, LEKSIK-SEMANTIK SATHDA PARADIGMA
SIFATIDA NAMOYON BO'lishi296-305

Ashurova Maftuna Asqar qizi, Yuldoshev Rustam Dilshod ugli

LINGUOCULTURAL COMPARATIVE ANALYSIS OF IDIOMS IN ENGLISH AND UZBEK
LANGUAGES306-311

Isroilova Manzura Jamolovna

FRANSUZ PUBLITSISTIK MATNLARDA KOMPARATIV FRAZELOGIK BIRLIKLARNING
KOMMUNIKATIV TA'SIRI XUSUSIDA312-317

Шамақсудова Саодат Хидоятловна

МАССМЕДИА АСПЕКТНИНГ МЕДИАМАТН ШАКЛИГА КЕЛИШИДАГИ ЎЗИГА
ХОСЛИКЛАР.....318-324

Шатова Ирина Юрьевна

ОСОБЕННОСТИ УПОТРЕБЛЕНИЯ ЛЕКСИКИ ПО РОДУ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ЛИЦ В РУССКОМ И
УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ325-330

Nortoyeva Nodira Muhammadaliyevna

FRAZELOGIK DERIVATLARNI KONTEKSTLARDA ISHLATILISHINING
KOGNITIV ASOSLARI331-335

<i>Alimjanova Shohsanam Azamat qizi</i> KO'P MA'NOLI IBORALARNING KOGNITIV XUSUSIYATLARI	336-340
<i>Турниязова Шахноза Нигматовна</i> МАТНДАГИ БОҒЛАНИШЛИЛИК ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР	341-347
<i>Mamarasulova Iroda Jumanovna, Xojimetov Sa'dulla Jumanazarovich</i> INGLIZ ADABIYOTI TUSHUNCHALARINING XILMA -XILLIGI	348-352
<i>Aminova Dilnoza Hikmatullayevna</i> THE IMPORTANCE OF INTERCULTURAL COMMUNICATION IN THE ORIGIN OF MILITARY TERMINOLOGY	353-358
12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР	
<i>Исломқулова Шоҳсанам Ваҳобжон қизи</i> ВРАЧНИЙ КАСБИЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИ СУҒУРТА ҚИЛИШ ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ	359-365
<i>Mamataliyev To'liqin Xushmamat o'g'li</i> O'ZBEKISTONDA MASOFAVIY TA'LIM HUQUQIY ASOSLARINING SHAKLLANISHI	366-378
13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ	
<i>Saidov Jur'at Sodirovich</i> МАКТАБГАЧА ТА'LIM TASHKILOTLARIDA BOLALARGA TARBIYA BERISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	379-384
<i>Yusupaliyeva Shaxnoza Hakimjanovna,</i> TEKNIK OLIY O'QUV YURTLARIDA OO'ZAKI NUTQ KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISH USUL VA METODLARI	385-390
<i>Таджиходжаева Эльвира Рашидовна</i> ОСОБЕННОСТИ ПРИМЕНЕНИЯ МЕТОДОВ ИГРОПЕДАГОГИКИ В ВЫСШЕМ ОБРАЗОВАНИИ	391-396
<i>Тўрахонова Барно Турсунбой кизи</i> БЎЛАЖАК ПЕДАГОГ-ПСИХОЛОГЛАРНИ ТАРБИЯВИЙ ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ДИДАКТИК ИМКОНИАТЛАРИ	397-406
<i>Ashurova Sitara Erkinovna</i> USING DIGITAL TECHNOLOGIES IN EDUCATION	407-412
<i>Каримжоновна Мунаввар Ибрагимовна</i> ХИЗМАТ ИТЛАРИНИ МАХСУС ЙЎНАЛИШГА ТАЙЁРЛАШДА УНГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ (Божхона қўмитасининг Миллий кинология маркази мисолида).....	413-421
<i>Xamirayev Rustam Abdirazakovich</i> VOLEYBOLCHILARDA HARAKAT SIFATLARINI RIVOJLANTIRISHNING USLUBIY ASOSLARINI TAKOMILLASHTIRISH	422-426
<i>Хашимова Масуда Камилжановна</i> КОМПЛЕКСНЫЙ ПОДХОД К ПРОЦЕССУ НРАВСТВЕННОГО ВОСПИТАНИЯ НА ОСНОВЕ ИНТЕГРАЦИИ НАУК	427-435
<i>Бердикулова Насиба Эркинжоновна</i> СОДЕРЖАНИЕ ПРИМЕНЕНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ И ИНТЕГРАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В НАЧАЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ	436-442

Saidnazarova Gulshan Bolta qizi

AL-BUXORIYNING MA'NAVIY-AXLOQIY QARASHLARINI O'RGANISH PEDAGOGIK MUAMMO
SIFATIDA443-448

09.00.00–Фалсафа фанлари

Ибрагимов Солижон Эргашович
ҚаршМШИ “Ижтимоий фанлар”
кафедраси катта ўқитувчиси
solijon.ibragimov@gmail.com

АХБОРОТ ХУРУЖИ ВА “ОММАВИЙ МАДАНИЯТ” ТАҲДИДИ

Аннотация. Ушбу мақолада ахборот хуружлари ва Ғарб оламида юзага келган “оммавий маданият”нинг фалсафий, сиёсий ва маданий илдизлари борасида, унинг мамлакатимизга кириб келиши ва ёшлар тарбиясига хатарли таҳдиди ҳамда ёшларимизда мафкуравий иммунитетни шакллантириш ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: Ахборот тушунчаси, “Оммавий маданият”, ахборот хуружи, ахборот хавфсизлиги, мафкуравий иммунитет, ахлоқий бузуқлик, индивидуализм, эгоцентризм.

Ibragimov Solijon Ergashovich
Senior Lecturer of the Department
of "Social Sciences" KarIEE

INFORMATION ATTACK AND THE THREAT OF "MASS CULTURE"

Abstract. This article talks about the philosophical, political and cultural roots of information attacks and "mass culture" that has arisen in the Western world, its entry into our country and its dangerous threat to youth education, as well as the formation of ideological immunity in our youth.

Key words: Concept of information, "Mass culture", information attack, information security, ideological immunity, moral corruption, individualism, egocentrism.

Ибрагимов Солижон Эргашович
Старший преподаватель кафедры
«Общественных наук» КарИЭИ

ИНФОРМАЦИОННАЯ АТАКА И УГРОЗА «МАССОВОЙ КУЛЬТУРЫ»

Аннотация. В данной статье говорится о философских, политических и культурных корнях информационных атак и «массовой культуры», возникших в западном мире, их проникновении в нашу страну и опасной угрозе для образования молодежи, а также о формировании идеологического иммунитета в нашем молодежи.

Ключевые слова: Понятие информации, «Массовая культура», информационная атака, информационная безопасность, идеологический иммунитет, моральная развращенность, индивидуализм, эгоцентризм.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V3SI8Y2023N34>

Кириш

Ахборот тушунчаси бугунги кунда глобал моҳият касб этмоқда. У инсон тафаккурига турли йўналишларда таъсир ўтказувчи, яхлит инсоният ҳаётини ва тақдирини у ёки бу томонга буриб юбурувчи, гоҳ салбий, гоҳ ижобий моҳият касб этувчи қудратли воситага айланди.

Компьютерлаштирилган дунё, ялпи ахборотлаштирилган глобал тизимнинг вужудга келиши миллатлар, халқлар ва бутун инсоният тақдирини бир-бирига боғлаб қўйди.

Ахборот технологиялари глобал оқибатларидан бири янги асрда юзага келган ахборот хуружи, информацион-психологик уруш хавфидир.

Бир тузумдан иккинчи тузумга, яна ҳам аниқроқ айтганда янги бир тизимга ўтилар экан, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ўзгаришлар билан бирга мафкуравий бўшлиқ ҳам юзага келишини яқин тарихимиз кўрсатди. Бизда ҳам собиқ тузум инкор этилгач юзага келган мафкуравий бўшлиқдан фойдаланиб, биз учун мутлақо ёт бўлган маънавий ва ахлоқий тўбанлик иллатларини ўз ичига олган “оммавий маданият” ёпирилиб кириб келиши ҳолати кузатилди. Ҳақиқатдан ҳам янги асрда манфаатлар йўлидаги энг фойдали хужум – мафкуравий кураш бўлган шароитида интернет тармоғи, хорижий телеканаллар, ўяли алоқа тизими курашнинг воситаси бўлиб хизмат қилмоқда. Мафкуравий кураш шаклларида, унинг ўйинларидан хабарсиз нодавлат ахборот воситалари, телеканаллар студиялар “ғоядор”лар қўлига сув қўймоқдалар. Шу каналлар орқали демократия, эркинлик, умуминсонийлик, замонавийлик ниқобларида ғайримиллий ғоя ва қарашлар юртимизга ҳам кириб келмоқда.

Ўз мустақиллигига эришган собиқ Иттифоқ республикалари, хусусан, Ўзбекистон ҳам манфаатдор мамлакатлар учун ўзига хос юзага келган янги майдондир.

Бугунги кунга келиб, баъзи Ғарб мамлакатларида маънавий бузғунчилик, наркомания, никоҳсиз турмуш, оммавий беҳаёликлар, рок музика ва клипларда, фильмларда, турли ахборот воситаларида кенг тарғиб қилинмоқдаки, ахборот хуружлари глобал аҳамият касб этаётган ва “чегарасизлик” шароитида ушбу жараён тобора чуқурлашиб, дахшатли тус олмоқда.

“Оммавий маданият”нинг хавфли томони шундаки, у оёғи миллий заминдан узилган, воқеликка бефарқ, космополит авлодни – оломон авлодини шакллантиради.

Адабиётлар таҳлили ва методология

Ахборот хуружларидан муайян кучлар, марказлар томонидан ўз манфаатларини ғоявий ва мафкуравий жихатдан таъминлаш ва ғаразли мақсадларини амалга ошириш бугун бошқа давлатлар халқини, айниқса, ёшларни чалғитиш, уларнинг маънавияти ва ахлоқига ёт, ғайриинсоний ғоялар ва ахлоқсиз турмуш тарзини сингдиришга йўналтирилган усул ва технологиялар қўлланилмоқда.

Профессор Нарзулла Жураев бу ҳақда шундай ёзади, ахборот хавфсизлиги – дунё тақдирига дахлдор бўлган глобал масалалардан биридир. Ахборот олиш, уни ишлаш, сақлаш ва тарқатиш технологияси тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада тараққий этиб, компьютерларнинг сўнгги авлоди сонияда икки миллиардгача вазифани бажара олади. Бу эса ер юзининг хохлаган нуқтасидаги одам билан сониялар ичида учрашиш, муаммоларни хал қилиш ва ахборот тарқатиш, олиш имконини бермоқда [1, 15].

Ахборот хуружларинининг яна бир кўриниши, глобал аҳамиятдаги таъсир – бу “оммавий маданият” кўринишидаги мафкуравий тазйиқлардир. “Оммавий маданият” ҳодисаси Ғарб оламида XX аср бошларида пайдо бўлди. Жамиятнинг демократлашуви ва таълимнинг оммавийлашуви маданият соҳасида зодагонлар монополиясининг заифлашишига уйғонган “қуйи табақалар”нинг маданий истеъмоли ошишига имкон яратди. Замонавий технологиялар енгил мўсиқа ва юзаки мазмунли даврий нашрлар, бемаъни теледастурлар ва соддалаштирилган сюжетли филмларнинг пайдо бўлишига олиб келади. 20-асрларда нашриёт ва телеэшиттиришнинг ривожланиши, “оммавий маданият”нинг кенг тарқалишига ёрдам берди.

Америкалик файласуф ва ёзувчи Дуайт Макдональд ўзининг “Оммавий маданият назарияси” мақоласида бу ҳақда шундай ёзади: “...Оммавий коммуникация тизими орқали оммавий маданият жамият аъзоларининг мутлақ кўпчилигига амал қилади, инсон дунёсининг барча кўринишларида: маълум турмуш тарзи ва кийим услубидан тортиб, турнинг маълум чекловларигача; мафкуравий тамойилларга риоя қилишдан яқинлар ўртасидаги махсус муносабатларгача ўз қоидаларини ўрнатади. Оммавий маданият инқилобий хусусият ва динамикликка эга бўлиб, синфлар, анъаналар ва дидлар ўртасида ҳар қандай тўсиқларни бузади; у барча маданиятлараро хусусиятларни эритиб юборади, ўз йўлидаги ҳамма нарсани аралаштириб юборади. Шу билан бирга, барча қадриятларни йўқ қилиши ҳам мавжуд. Маданиятда гомогенизатсия (С.И.-маданий бир хиллик, қўшилиб кетиш) ва ундан кейинги маданий “колонизатсия” шундай содир бўлади[2, 3-4].

Ҳозирги вақтда бутун жаҳонда глобаллашув жараёнларининг кучайиб бориши билан Ер юзида тинчлик-барқарорликни сақлаш, аҳоли фаровонлиги, унинг муносиб турмуш даражаси, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш, умумбашарий муаммолар билан биргаликда, миллий маданият, санъат ва урф-одатларни сақлаб қолишдек масалалар ҳам кун тартибига чиқмоқда. Глобаллашув жараёни билан боғлиқ зиддиятлар, аввало, маънавий ва маданият соҳасида яққол намоён бўлмоқда. У. Саидов “Оломон адабиёти”, мақоласида глобаллашув ва “оммавий маданият” ҳақида “Шу жиҳатдан глобаллашувга бутун дунёни қамраб олган маданий инқилоб деб таъриф бериш ҳам мумкин” [3, 5.], деган фикрни беради.

Муҳокома

Ўзбекистон мустақилликка эришиб, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига, нуфузига эга бўлиб бораётган бугунги кунда, глобаллашув жараёни таъсиридан четда туриши мумкин эмас. Мамлакатимиз тинчлигига раҳна солаётган муаммолардан бири эса “оммавий маданият” таҳдидидир.

“Оммавий маданият” тушунчаси, хусусан: мода, ҳаёт, соғлиқни сақлаш маҳсулотлари, архитектура, профессионал спорт, оммавий бадий маданият, эстрада мусиқаси, адабиёт (енгил ўқиш), аудиовизуал маҳсулотлар (телесериаллар ва ток-шоулар, кўнгилочар радио радиоэшиттиришлар), тасвирий санъат (шу жумладан биеннале), сиёсий ҳаракатлар (жумладан, мафкура тарғиботи), илм-фан (“енгил” вариантда), реклама, имидж яратиш, сиёсий технологиялар, фольклор, компютер ўйинлари каби воқеликни ўз ичига олади.

Маълумки, “оммавий маданият” асосини маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатлари ташкил қилади. „Оммавий маданият” Шахс маданий онгини нотўғри

шакллантиради, миллий маданиятни бузади, умуминсоний маданий қадриятларни шубҳа остида қолдиради. Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда..

Халқимизнинг маънавий оламини бундай таҳдидлардан асраш, ўта мураккаб бир замонда халқаро майдонда содир бўлаётган жараёнларнинг туб моҳиятига етиб бориш, улар ҳақида холис ва мустақил фикрга эга бўлиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидандир.

«Оммавий маданият» туб моҳиятига кўра миллий маданиятларнинг кушандаси бўлиб, у маданий хилма-хилликни хушламайди, унинг асл мақсади – бу оламни яқранг кўриш. Собиқ шўро давлатида ҳам худди шунга ўхшаш амалиёт ўтказилган эди. Оммавий «совет халқи»ни «ясаш» ниятида «совет граждани», «совет гражданининг ахлоқ кодекси» сингари мағзи пуч тушунчалар зўр бериб тарғиб қилинди, миллатлар бора-бора ягона совет халқига қўшилиб кетиши керак эди. Ҳатто миллат, қадрият, менталитет деган тушунчалар луғатлардан ўчириб ташланишига бир баҳя қолди.

«Оммавий маданият»нинг ёвузлиги шундаки, у одамзоднинг фикрлашига тиш-тирноғи билан қарши. Тўғри, бир қарашда «оммавий маданият» ҳурфикрлилик, инсон эрки тарафдоридек кўринади, лекин барча «илму амали»нинг негизига эътибор берилса, инсоннинг фикрлашига, тафаккур қилишига зид экани аён бўлади.

Хўш бундан кўзланган мақсад нима?

Фикрсизлик оқибатида тобе бўлиш-куч билан бўйсундирилгандан кўра минг чандон фожиали. Тарих кўп бор гувоҳ бўлган: қурол-аслаҳа воситасида бўйсундирилган халқлар кўп йиллар, ҳатто асрлар ўтсада, барибир озодликка эришишган. Чунки қурол-аслаҳа миллий тафаккурини, қалбини забт эта олмаган одамлар онгида озодликка эришишдек улуғ орзу яшайверган! Аммо халқнинг онги маҳв этилса-чи? Бундай халқ миллий озодлик ҳақида ўйлашга қодир бўлмаслиги, бунга қурби етмаслиги кундай равшан. Миллат учун, халқ учун бундан оғирроқ фожа борми? Миллий озодликни унутиш миллатнинг изсиз йўқолиши эмасми?

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев масаланинг шу жиҳатига алоҳида тўхталиб, “Биз бир нарсани ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз зарур. Агар “оммавий маданият” таҳдиди фақат четдан – Ғарбдан кириб келади, десак, қаттиқ адашамиз. Бу бало, афсуски, ўзимиздан, ўз орамиздан ҳам чиқиши мумкин. Мен бу гапларни осмондан олиб айтаётганим йўқ. Юртимизда нашр этилаётган айрим газета-журналлар, китобларни, суратга олинаётган баъзи клип ва киноларни, эфирга берилаётган қўшиқ ва рақсларни кузатиб, соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам шундай хулосага келиши табиий .

...Мана, Тошкентдаги тўйларда “келиннавкар” деган яна бир бало чиқибди. Нима эмиш, энди келиннинг ота-онаси қизига қўшиб унинг ўнлаб дугоналарини ҳам бир хил кийинтириши, ясантириши керак экан. Бундай бемаза қилиқлар қаердан чиқяпти? Ёшларимиз кимдан ўрганияпти бунини?”[4, 2].

«Оммавий маданият» жамиятнинг маънавий, ахлоқий қадриятларини, бир сўз билан айтганда миллий маиший ҳаётни зимдан таъқиб қилиб боради. Ҳатто миллий, диний тарбиядан, урф-одатлардан бегоналашиш, уларни менсимасликка даъват қилиш

ҳоллари ҳам кузатилаётгани ташвишланарли, албатта. Оммавий маданият” аста-секин инсонга хос бўлмаган хусусиятларини кучайтириб боради: **Ахлоқий бузуқлик**. Жамоат жойларида ўпишиш, шаҳвоний фильмлар кўриш каби иллатлар пайдо бўлмоқда. **Зўравонлик**. Зўравонликни тарғиб қилувчи фильмлар, компьютер ўйинларига одатланиб қолиш. **Индивидуализм**. “Ўзим бўлсам бўлди, ўзга билан нима ишим бор” деган “принцип”нинг таркиб топиши. **Эгоцентризм**. Барча нарсага шахсий манфаат нуқтаи назардан ёндошиш ва ҳ.к.

“Оммавий маданият” ёшларнинг маданий онгининг тўғри шаклланишига салбий таъсир кўрсатади. Шу маънода “айрим ёш ижрочи ва ижодий гуруҳларнинг жамоатчилик эътиборига тақдим этаётган „асар”лари санъатнинг ҳеч қандай талаб ва мезонларига жавоб бермайди. Нафақат мавзу, мусиқа ва ижро усуллари, балки сахна ҳаркатларида ҳам очикдан-очик ажнабий „оммавий маданият” кўринишларига тақлид қилиш, „юлдузлик” касалига чалиниш ҳолатлари тез-тез учраб тураётган чинакам санъат мухлисларини ранжитмасдан қолмайди” [5, 142].

Бундай салбий ҳолатлар ёшлар маданий онгининг нотўғри шаклланишига олиб келади. Ўтган асрнинг 60 - 70 йиллари Ғарбий Европа ва АҚШда мафкурасизлашувга, яъни ижтимоий ҳаётни мафкурадан холи этишга уриндилар. Лекин бу йўл ўзини оқламади. Чунки тарбиядаги мафкуравий бўшлиқ ўз асоратларини кўрсата бошлади. Бундай ҳолат ҳақида нуфузли немис нашрларида: “...ҳозирги ёшларимиз ўртасида лоқайдлик, рухсизлик, бефарқлик, англанмаган норозилик, беқарорлик кайфиятлари тарзида номаён бўлаётган “ёшлар маданияти” деб аталувчи хатти-ҳаракатлар кучаймоқда. Бу – ёшларнинг ўз аجدодлари ижтимоий ва маданий қадриятларидан бегоналашаётганликларининг белгиларидир”[6, 114], - деган ташвишли фикрлар билдирила бошланди. Патрик Жозеф Бьюкенен ҳам ўзининг машхур «Ғарбнинг ҳалокати» асарида маданий инқилобнинг таъсири ҳақида шундай ёзади: «Абортлар, ажралишлар, туғилишнинг пасайиши, ўспиринлар ўртасида ўз-ўзига суиқасд ҳолларининг кўпайиши мактабларнинг криминаллашуви, гиёҳвандликнинг оммавий тус олганини қайд этган статистик маълумотлар маданий инқилоб келтириб чиқарадиган инқироз қанчалик чуқур илдиз отганидан далолат беради. Бир сўз билан айтганда, жинсий инқилоб болаларимиз ўртасида ажал уруғини сепмоқда...»[7, 35].

Натижалар

Натижада, “Мафкуравий янгиланиш”, “қайта мафкуравийлашув”га кучли зарурат туғилди ва мафкурасизлик хатосини тузатишга киришилди. Шу тариқада, Ғарбий Европа ва АҚШнинг позитивистик педагогикаси эътиборни ижтимоий қадриятларга, мафкуравий тарбияни ўз ичига олувчи “мактабда ўқувчиларни сиёсий индоктринациялашни амалга ошириш” концепциясини ишлаб чиқиб, амалга ошира бошлади.

Ғарбнинг ўзида вазифасини бажариб бўлган, умумий танқидга учраган “Маданий инқилоб”, “Жинсий инқилоб”, “Ёшлар маданияти” каби “Оммавий маданият” ғояси, хамон баъзи сиёсий кучлар томонидан янги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий маконларга суқилиб кириш қуроли, воситаси сифатида қўлланилиб келинмоқда.

Ғарбона индивидуализм, инсон ҳуқуқлари ва шахс эркинлиги шиори остида “Мавжудлик”, “Эркинлик”, каби фалсафий таълимотлар таъсирида юзага келган адабиёт ва санъатдаги йўналишлар, ҳамда оқимлар бутун бошли авлодларни вояга

етишиши, ахлоқий нормаларни орқага чекиниши, никоҳ ва оилага эскилик сарқити деб, эркинликни буғиш деб қарашни шакллантирди.

“Оммавий маданият” таъсирида аёлларнинг оиладаги анъанавий вазифаларидан озод этилиши эса уларнинг оила ва никоҳга муносабатини тубдан ўзгартириб юборди. Бугунги кунда миллионлаб Америкалик хотин-қизлар феменист аёлларнинг қарашини қабул қилиб, турмуш қуриш ва бола туғишдан воз кечмоқда. Шу сабабли П. Бьюкенен Америка халқига қарата дейди: “1950 – йилларда бошланган „оммавий маданият“ ҳаракати 1990 – йилларга келиб миллатимизни наслсизлик балосига дучор қилди” [8, 48].

“Оммавий маданият” муайян сиёсий кучлар томонидан илгари суриладими, ёки янги марксистлар, социалистлар томонидан тарғибот қилинадими, барибир натижаси миллий маданиятга зарба беришдир. «Оммавий маданият»нинг асл мақсади ҳар куйга солиш мумкин бўлган оломонни шакллантириш бўлгани боис, у маънавий озиқ берадиган, бадий юксак, ўқувчини мушоҳадага ундаб, тасаввур оламининг кенгайишига хизмат қиладиган асарларнинг яқинига йўлатмайди.

60 йиллардан ривожланган Рок ҳаракати XX асрнинг иккинчи ярмидаги бадий ҳаётнинг ёрқин тимсолига айланди. У Англия ва АКШдан оёқ олиб бутун дунёни эгаллаб олди. “Оммавий маданият”нинг туб илдизларидан қувват олган бу рок-ҳаракатнинг ижодкорлари Элвис Пресли, “Бетлиз” ва бошқа гуруҳлар ўз чиқишлари билан машхур бўлдилар.

Аслида, Мусиқанинг тарбиявийлик хусусияти уни тинглаш, ҳис этиш, муносабат билдириш каби эстетик маданият тизими орқали изоҳланади. Лекин баъзи бир ҳолларда айрим эстрада мусиқа намуналари ёшларнинг ахлоқий оламига зўрлик билан таъсир кўрсатишга уринмоқда. Улар асосан Ғарб мусиқаси намуналари ёки уларга тақлиддир. Ҳозирги давр ултра мусиқасининг айрим турлари (“бит”, “рок”, “реп”, “поп”) ёшларни маънавий қашшоқликка, тубанликка бошламоқда. Бундай бемаъни ва беҳаё мусиқаларнинг баъзи «намуналари» бизга ҳам етиб келган. Ғарб мусиқасининг шиддат билан ёшларимиз ҳаётига ва онгига кириб келишини гарчанд янгилик сифатида қабул қилсак ҳам, уларнинг феъл-атворида жиддий бурилиш ясалаётганлиги бор гапдир. Ғарб мусиқий жанрларининг ёшлар тарбияси, яшаш тарзига мос келаётганини инкор эта олмаймиз. Уларнинг таъби, диди шуни талаб қиляпти. Лекин жазавага тортувчи, бир хил сўзларни кўп такрорлайверадиган, бир хил ритмга асосланган мусиқани кўп тинглайдиган ёшлар, шубҳасиз миллийликдан йироқлашади. Уларнинг онгу шуурига шовқин-суронли мусиқа шу даражада ўрнашади-ки, натижада юриштириши ҳам ўзгара бошлайди. Шу боисдан ёшларда тўғри эстетик дидни, инсоннинг маънавий дунёсини бойитувчи ҳақиқий гўзал мусиқага муҳаббатни тарбиялаш, янги инсон – мустақил давлат қурувчисини камол топтириш учун кураш жамиятимизнинг муҳим вазифасидир [9, 58].

Маданий инқилоб бир неча авлод ҳаёти мобайнида ғалабага эришган бўлса, уни енгиш учун камида яна шунча вақт талаб қилади. Дунё мафкуравий полигонга айланган ва ғоявий кураш манфаатлар курашида асосий восита бўлар экан, ундан кейин жанглар сиёсий майдонда эмас, ахлоқ, тафаккур ва маънавият соҳасида кечади. Зеро рақиблар шунчаки бир сиёсий партия бўлмасдан, у ўзга эътиқод, ғоя ва мафкураларга ва аниқ мақсадга эга бўлган кучлардан иборат бўлади. Бунда мактаб таълими,

оммавий ахборот воситалари ҳамда миллий ғоя муносабати ва нуқтаи назари ҳал қилувчи кучга айланади. Бу ўринда сўз ғоят муҳим масала- ёшларнинг онги ва қалби хусусиятида бораётир[10, 140].

Европапарастлик ва америкача маданият таъсири, шу таъсирга жиддий мойиллик – «оммавий маданият»га эргашиш, одатда дунёқараши, онги тўлиқ шаклланмаган, миллий ғоя ва қадриятлар моҳиятини англаб етмаган ёшлар орасида кўпроқ кузатилмоқда. Миллий асослари, мазмун-моҳиятидан бегона руҳиятда вояга етаётган ёшлар табиий равишда санаб ўтилган маданиятларга тақлид қилади ва бундан манфаат изловчи турли ёт кучлар қурбонига айланиб боради.

Ёшларимиз ёт мафкуралар тарғиботининг “меҳрибонлиги”, “холислиги” ва “бетарафлиги”, “ёқимлилиги”, “дўстоналиги”нинг ортида нима ётганини доимо билишлари лозим. Яъни уларнинг заминида Ўзбекистоннинг ривожланиб кетишига қараб мунтазам тактикасини ўзгартириб турувчи жонсарақ ақидапарастлик тарғиботи натижаси ва амалиёти ётганини, уларнинг анъанавий фундаменталистик назарияси ва ғояларни замонавий усулларда “жонлантираётганлигини” тушуниш зарур[11, 398].

Хулоса

Хозирги даврда инсон онги ва қалбини эгаллаш учун кураш бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун ёт ғоявий таъсирларга қарши курашда узилишларга йўл қўйиб бўлмайди. Бундай шароитда бегона ғояларнинг кўпоровчи тасирига қарши доимий ва узликсиз аксил тарғиботни ташкил этиш муҳим саналади.

Айтиш керакки, маданиятнинг оммавийлашуви ва “Оммавий маданият” тушунчалари бир хил маънони бермайди. Биринчиси, маданиятлар алмашинуви, миллий маданиятларнинг ривожланиши ва унинг элементларини оммавийлашувини билдирса, иккинчиси, ғоявий таъсир воситаси, миллий маданиятнинг қушандаси сифатида намоён бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 26 мартдаги «Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори негизида илгари сурилган «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» ғояси ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳаларда олиб борилаётган янгиланишлар, маънавий-маърифий йўналишда олиб борилаётган фаолиятнинг, ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришга хизмат қилувчи таълим ва тарбия усуллари асоси бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида санаб ўтилган муаммоларни бартараф этишда, биринчидан, тарғибот-ташвиқот тизимини шакллантириш, иккинчидан, ташқи ва ички сиёсий ҳолатни миллий мафкура билан боғлаган ҳолда миллий манфаатлар негизида кўриб чиқиш ва баҳо бериш, учинчидан, миллий мафкура негизларини аниқлаш ва аниқ сиёсий мақсадларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш керак бўлади.

«Оммавий маданият» таҳдиди, бугунги замон воқеликка очиқ кўз билан, реал ва хушёр қарашни, жаҳонда ва ён-атрофимизда мавжуд бўлган, тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариб яшашни талаб этади. Шу боис юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод онгида мураккаб ва таҳликали ҳаёт ҳақида, унинг шафқатсиз ўйинлари тўғрисида бирёқлама ва

сохта тасаввур бўлмаслиги лозим. Унутмаслигимиз керакки, огохлик ва хушёрлик, мафкуравий етуклик ва маънавиятлилик давримизнинг талабидир.

Adabiyotlar/Литература/ References:

1. Н.Жўраев. Ахборот психологик хавфсизлик: тажриба ва муаммолар. “Жамият ва бошқарув”, №1,15-бет.
2. Dwight MacDonald “A Theory of Mass Culture”, in Diogenes, No. 3, Summer 1953, pp.3-4.
3. Саидов У. “Оломон адабиёти”, “Тафаккур” журнали, 2008, №2, 5-бет.
4. Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси. «Халқ сўзи», 04.08.2017.
5. И.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., “Маънавият”,2008, 142-бет.
6. Миллий истиқлол ғояси. Дарслик.Т.,”Академия” нашриёти, Т, 2005, 114-бет.
7. Бьюкенен П. Ғарбнинг ҳалокати. “Жаҳон адабиёти” журнали, 2007, 1-сон, 35-бет.
8. Бюкенен П. Смерть Запада. – М.: 2004.
9. Алланбаев Р. “Ёшлар маънавиятини шакллантиришда мўсиқа санъатининг ўрни”. ЎзДСМИ хабарлари — 2018, №1(5),38-бет.
10. Ибрагимов С.Э. Ёшлар тарбиясида “Оммавий маданият” таҳдиди. “Sohibqiron yulduzi” журнали 2022 йил № 1, б-140.
11. Ибрагимов С.Э. Глобаллашув жараёнида “Оммавий маданият”нинг ёшлар тарбиясига таҳдиди. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. No. 11, 2022, 397-402.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 5/8 (3) – 2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари**” электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатида олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).